



Пойтахтимида фаолият кўрсатаётган «WOOSUNC» Со шўъба корхонасида тайёрланаётган сифатли маҳсулотларнинг харидорлари кундан кунга ортиб бормоқда. СУРАТДА: корхона ишчиси Галина Аҳмедова хоризк дастгоҳини моҳирлик билан бошқариб, жамоа ютуғига ўз ҳиссасини қўймоқда. Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда бир неча хил молиявий институтлар мавжуд бўлиб, улар ичида суғурта компанияларининг ялли ички маҳсулотдаги салмоғи тобора ортиб бормоқда. Суғурта компанияларининг ривожланиши ахборот технологияларидан мумкин қадар самарали фойдаланиши тақозо этипти. Маълумки, суғурта компаниялари кўрсатаётган хизмат турлари кундан-кунга ривожланиб, ҳар хил соҳаларни қамраб олмақда. Бу эса ўз навбатида турли хил катта ҳажмдаги ва энг сўнгги ахборотларга талабнинг ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Сўнгги йилларда дунёдаги бир неча йриқ суғурта компаниялари интернет орқали ишлаш самардорлигини намойиш этганларидан сўнг «Суғурта компаниялари ўз интернет-портларини ташкил қилишлари керакли», деган саволга ўз-ўзидан ижобий жавоб берилди. Бугунги кунда суғурта компаниялари интернет тизими имкониятларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланишлари мумкин. Компания имиджини яхшилаш. Интернет-даги унинг «сайт» (интернет андозалари)га мослаб тузилган корхона тўғрисидаги

Арзон ва самарали маркетинг ва корпоратив дастгоҳлар билан таъминлаш. Мустақил суров ва изланиш усуллари билан керакли маълумотларни олиш ҳамда корпоратив ахборотларни ва аниқликларни чоп этиш, обуна бўлиш ва тарқатишни ташкил қилиш, суғуртачига нисбатан доимий эътиборни таъминлаш имкониятларини яратиш мумкин. Бугунги кунда ахборотлар дунёни бошқаради. Фойдаланувчилар бирон-бир суғурта компаниясига ишонч билдиришдан олдин унинг интернетдаги сайтларини қидирадилар. Шу боис сайтнинг бирламчи вазифаси ахборот беришидир.

Компаниянинг ахборотлар кенглигини ошириш учун сайт турли бўлиmlар томонидан яратилган ҳужжатларни тўғри акс эттири олиши керак, яъни офисдаги тақлифлар мавжуд ахборот тизими билан интеграллаштириш лозим. Бошқача қилиб айтганда, интернетга қўйилган катта ҳажмдаги ҳужжатлар тез-тез ўзгариб турса, компанияда ишлаб чиқариётган барча материалларни сайтда мунтазам равишда акс эттириш маъ-

лум қийинчиликларни вужудга келтиради. Бунга вақт ҳам етишмайди. Шунинг учун компания интернетга уланган ахборот тизими фаолиятини ва ривожлантиришини маълум режа асосида ташкил этиши лозим. Миқоз виртуал офисга кўра ҳақиқатдан ҳам жиддий суғуртачи билан иш юритмоқчи эканлигига ишонч ҳосил қилган, суғуртачининг, суғурта компаниясининг аниқ тақлифларига — яъни суғурта хизматлари тўлами, уларни харид қилиб олиш ва тўловни амалга ошириш йўлларига эътиборини қаратади. Сайт орқали ҳал қилиниши мумкин бўлган учта асосий масалаларни ажратиш мумкин. Булар: — миқоз тизимининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ҳар бир суғурта тури бўйича мустақил равишда суғурта тўловларини ҳисоблаш мумкин. — миқоз суғурта полисини буюртма қилиши мумкин. Бунинг учун сайтдаги интерактив шаклни тўлдирининг ўзи кифоя. — миқоз полис учун ҳақни интернет орқали кредит картаси, полис етказилганда нақд пул билан ёки пул ўтказиш йўли билан тўлаш мумкин.

Ички афзалликлар шундаки, компания ахборот порталини саводли ташкил этиш учун ички фойда олиб келади. Кўп филиалларга эга бўлган катта суғурта компаниялари ягона ахборот кенглигига эга бўладилар, шу билан бирга портал компаниянинг ахборот тизимига ягона йўл орқали кириш имконияти яратилади.

Интернет-суғуртанинг ривожланишини ҳеч қандай вақтинчалик ва техник қийинчиликлар тўхта олмайди. Бу жараён ҳозирнинг ўзида доимий ортиб бораётган тезлик билан ривожланиб бормоқда. Барча суғурта компаниялари ўзларининг интернетдаги порталларини яратишга ҳаракат қилмоқдалар ва кун сайин бу сайтлардан фойдаланаётган суғурталанувчилар кўпайиб бормоқда.

Рустам ХИДИРАЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жаҳият қурилиши академияси тингловчиси.

Иқтисодий Интернет-суғурта ривожланади

маълумот) — бу суғурта компаниясининг интернетдаги виртуал офиси ҳисобланади. Бундай сайтда реал офиснинг қўнчилик ва зифалари муқаммалланган бўлиб, у биринчи навбатда намояндачилик юмушларини бажаради. Компанияда пул ишлаш имконияти ошадди, чуқри унда яна битта сотув канали вужудга келди ва у табиийки, қўшимча даромад манбаи ҳисобланади. Ушбу сотувларнинг самаралилиги қўлланилаётган технологияларга ва суғурта маҳсулотларининг даражасига боғлиқ бўлади.

Суғурталанувчилар учун қўшимча сервис — суғурта хизматлари (суғурта турлари, суғурталаш ҳолидаги ва шартлари, суғурта тарифлари, жавобгарлик даражалари ва ҳ.к.) тўғрисидаги маълумотларни оператив олиш имконияти яратилади. Бу уларнинг вақтларини ташаваф ва суғурта компаниясининг юқори малакалилигини намоён этиб, кўпроқ миқозларни ўзига жалб этишига олиб келади. Шериклар билан биргаликда ҳаракат қилиш сифати ошади. Маълумки, шериклар ва суғурта вакиллари томонидан тузилаётган суғурта шартномалари умумий тузилган шартномаларнинг асосий қисмини ташкил этади. Шу сабабдан улар компанияга тез-тез келиб аниқликлардан божбар бўлиб туришига ва жуда катта миқдорда ҳужжатлар билан боғлиқ ишларини бажаришга мажбурдилар. Компаниянинг интернетдаги сайти уларга компания билан бевосита муносабат тarmoғи орқали соддароқ ва тез ишлаш имкониятини яратиб беради. Натияжада улар керат бўлмаган қоғозбозликдан ҳалос бўладилар ва вақт ҳам тежалди. Муносиблик даражасини намоён этиш. Доимий янгиланиб турадиган аниқликлар рўқни ва «интерфаол» форумлар суғурталанувчига суғурта қонунчилигида бўлаётган ўзгаришлар, суғурта бозори ва бошқа шунга соҳага тааллуқли ва айнан керакли бўлган маълумотларни олиш ва шу билан компания ходимларининг муносиблик даражасига ишонч ҳосил қилиш имкониятини беради.

ДИҚКАТ: ЯНГИЛИК!

«Бонус» ўйини ташкил этилди

Аҳолини акциялар нархидан хабардор қилиб туриш мақсадида «Тошкент» фонд биржаси раҳбарияти кундалик савдо котировкаларини матбуот орқали бериб боришни йўлга қўйди. Шуниси эътиборлики,

бўлаётган савдоларда нафақат брокерлар, балки барча ёшдаги жисмоний шахслар ҳам иштирок этиши кўзда тутилган. Бундан мақсад аҳолини даромад топишининг замонавий усулига кенгроқ жалб этиш. Дарвоқе, биржада «Бонус» деб

номланган янги ўйин тури ҳам ташкил этилди. Эндиликда ҳар бир киши ўн минг сўмлик акция харид қилиши ва «Бонус» ўйинида иштирок этиб дурустгина пул ютуғига эга бўлиши ҳам мумкин. (Ўз муҳбиримиз)

Ҳаракат хавфсизлигига бағишланди

Тошкент шаҳар ҳокимлигида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур комиссия раиси, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуқаҳор Тўхтаев олиб борди.

Маълумки, шу йилнинг февраль-март ойларида аънавий ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ўтказилган. Комиссия йиғилишида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавф-

сизлиги бошқармаси бошлиғи Равашбек Даминов йиғилганларни ушбу амалий тадбир натижалари билан таништириб, пойтахтда 2002 йилнинг биринчи чорагида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида қилинган ишлар ҳамда содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари ва қондабузарликларни таҳлил қилди. Шу кунларда автокорхоналарда транспорт воситаларини жорий йилги техник қуриқдан ўтказиш жараёни кетмоқда. Бу борадаги мумин ва камчиликлар юзасидан ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси техника назорати бўлими

бошлиғи Одижон Хўжаевнинг ахбороти тингланди. Шунингдек комиссия йиғилишида жойларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда тарғибот ишларининг амалга оширилиши, Шайхонтоҳур, Хамаза ва Чилонзор туманлари мисолида хавфсизлигини таъминлаш борасида ўтказилаётган тадбирлар натижалари кўриб чиклди. (Ўз муҳбиримиз)


ЎХНАРМАНДЧИЛИК

Мустақил диёримизда қўли гул хунармандларимизга яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имтиёзлар боис ҳам бугун уларнинг меҳнатлари яна бир бор юзага чиқмоқда, кимларнинг авлоди эканлигимиз намоён бўлмоқда.

Бунга мисол қилиб пойтахтимидаги «Мусаввир» илмий ишлаб чиқариш марказида фаолият юритаётган хунармандларни кўрсатиш мумкин. Қувонарлиси шундаки, уларнинг кўпчилигини интилувчан ёшлар ташкил этади. Алишер Раҳимов ҳам ана шундай хунармандлар сирасига кириб, кулолчилик санъатини мукаммал эгаллашга аҳд қилганлардан ҳисобланади.

Алишер 8 ёшдан отабоболари хунарига астойдил меҳр қўйди. Ана шу даврдан бошлаб у отаси Акбар Раҳимовнинг ишларини диққат билан кузата бориб, ўзи ҳам кичкина буюмлар ярата бошлади. Отаси уни мақтаб рағбатлантирган пайтларида эса хунарга бўлган қизиқиши жудаям ортарди. Тажрибани отасидан ўрганган Алишер Беньков номли расомчилик билим юртида назарий билимларини оширди. Сўнгра Камолдин Бехзод номидаги Миллий расомчилик ва дизайн институтида таҳсил олди. У бу ерда халқ амалий санъати, шу жумладан кулолчилик тарихини севиб ўрганди. Уйда эса ҳаммиша билдилларини амалда қўлади.

— Шунини мануният билан айта оламани, — дейди Алишер Раҳимов фахр билан, — хонадонимизда бобом Муҳиддин Раҳимовнинг уй-музейини ташкил этганмиз. Улар шажарамизнинг тўртинчи авлод



Аждодларимиз санъатини эъзозлаб



вакили ҳисобланганлар. Уй-музейдаги бобомнинг қўллари билан ясалган кулолчилик буюмлари мени ўзига мафтун этиб, улар орқали кўп нарсаларни ўргандим. Ҳар бир хунарга бор меҳр ҳамда маҳоратинингизни бағишлаб меҳнат қилсангиз, албатта самара берар экан. Кулолчиликнинг ҳам ўзига яраша нозик томонлари, машаққатлари бор. Уни лойдан ясалган

мўъжиза деб бежиза айтишмайди. Чиндан ҳам Алишернинг маҳорати билан табиий бўёқлардан фойдаланиб яратилган кулолчилик буюмларида ўзига хос жозибали кўрасиз. Унда кўпроқ миллий қадриятларимиз эъзозланиб, шарқона урф-одатларимизнинг ёрқин кўринишлари намоён бўлади. Бугунги кунда уста даражасига кўтарилган кулол

ТРАНСПОРТ

Саъй-ҳаракат оммалашади

Тадбиркорлик билан иш юритилаётган меҳнат жамоаларида ютуқлар бисёр бўлмоқда. Бундай ижобий ҳолини «Тошшаҳарйўловчилар» Давлат уюшмасига қарашли 8-автобус саройи мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Корхонага етук мутахассис ва ишининг кўзини биладиган муҳандис Муҳтор Алиев раҳбар бўлиб келгандан кейин иш янада яхшироқ кетди. Саройнинг моддий-техника негизи мустаҳкамланди. Бу ерда «Мерседес-Бенц» автобусларига техник хизмат кўрсатувчи марказ фаолияти ҳам кескин яхшиланди.

Айни вақтда ҳўжалиқни юртишда сарой худудидан унумли фойдаланиш тадбирлари қўрилди. Янги боғ барпо этилди. Иссиқхона ҳўжалиғи юзага келди. Эндиликда богдорчилик ва сабазвотчилик яхши даромад манбаига айланди. Шу сабаб сарой транспортчиларининг бу саъй-ҳаракати давлат уюшмаси бошқаруви томонидан маъқулланди. Бу ташаббусни бошқа транспорт сарой ва корхоналарига кенг ёйиш тадбирлари белгиланди.

Акбар АЛИЕВ

2002 — ҚАРИЯЛАРНИ КАДРЛАШ ЙИЛИ

Ибратли тажриба оммалашди

Қарияларни кадрлаш йили муносабати билан «Тошшаҳарйўловчилар» Давлат уюшмаси депо ва корхоналарида ҳам муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Бажарилган транспорт хизматини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бошқармаси жамоаси саъй-ҳаракати ҳам уюшма бошқаруви томонидан маъқулланди.

Гап шундаки, бошқарма бу ерда кўп йил ишлаб, қариллик гаптининг сураётган собиқ транспортчиларга моддий ёрдам кўрсатиш ташаббуси билан чиқди. Бунинг учун бошқарма жамоаси бир кўнлик иш ҳақини ана шу қариялар ахтиёжига ўтказишга қарор қилди. Бу маб-

ТАНЛОВЛАР

Йилнинг энг яхши тарбиячиси



Илгари хабар берилганидек шаҳримизда туманлараро ўтказилган «Тарбиячи—2002» кўрик-танлови Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларини ёшларимиз онгига синдириш, баркамол ва зукко авлодни тарбиялаш руҳида бўлди.

Куни кеча Тошкент ирригация ва кишлоқ ҳўжалиқини механизациялаш муҳандислари институтида «Тарбиячи—2002» кўрик-танловининг иккинчи шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда кўрик-танловнинг туман босқичида энг кўп балл тўплаган олтига туман бошқаруви тарбиячилари ўза-

ро беллашдилар. Танлов ишгарчиликларининг берилган шартлар бўйича ҳозиржавобликларни, зукколикларни ва билимларини нуфузли хакамлар хайъати аъзолари муносиб баҳоладилар. Иштирокчи қизлар танловнинг тўрт шарт бўйича, яъни «Келинг, танишайлик», тест саволларига

жавоблар, уй вазифаси, ҳамда «Бир актёр театри» руқни остида «Зукко тарбиячи» сингари шартлар бўйича ўзларининг доно ва зукколикларини намойиш этдилар. Танлов сўғида йилнинг энг яхши тарбиячилари аниқланди. Биринчи ўринга энг юқори балл тўплаган Шайхонтоҳур туманидаги 343-боғча тарбиячиси Юлдуз Ортиқова ҳамда Юнусобод туманидаги 480-боғча тарбиячиси Мавжуда Шоҳақимова муносиб деб топилди. Иккинчи ўрин Мирзо Улуғбек туманидаги 367-боғча тарбиячиси Муқаддас Алиевага, учинчи ўрин эса Миробод туманидаги 183-боғча тарбиячиси Дилфуза Хошимовага насиб этди. Сўнг қўшимча саволларга тўлиқ жавоб берган Юлдуз Ортиқова голиба деб топилди, танловнинг республика босқичига йўланма олди. «Тарбиячи—2002» танлови голибаларига хомийлар томонидан муносиб савгалар топширилди.

Кизикarli ўтган ушбу танловда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аваз Олимов ҳамда шоира Фарида Афрўз қатнашиб ўзларининг дилрабо қўшиқ ва шеърлари билан тадбирга янада файз қиритишди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: «Тарбиячи—2002» кўрик-танлови голибаси Юлдуз Ортиқова.

САХОВАТ Хайрли иш

Мамлакатимизда аҳолининг ёрдамга муҳтож табақаси бўлиши кекасаламга, ногиронларга муруват кўрсатиш одатий ҳолга айланган. Қарияларни кадрлаш йили ҳисобланмиш жорий йилда эса бу борадаги ишлар салмоғи янада ортаётганлиги аҳолини хушнуд этмоқ-

Яқинда Юнусобод туман ҳокимлиги хайрли ишга қўл урди. Яъни туманда истиқомат қилаётган фазрийлар учун ҳар бири 25 минг сўмлик 50 та эшитиш мосламаси, 22 та қўлқўтаб, 30 та ҳақса, 5 та кўзойнак бепул берилди. Туман мутасаддилари томонидан инъом этиладиган уч ярим миллион сўмлик ушбу мосламалар қариялар кўнглини хушнуд этади.

Анвар АҚРОМОВ

АЛОҚАЛАР

Ўзбекистонда «Светлица Польша» республика маданият маркази фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиз билан Польша ўртасида дўстлик ва маданий алоқаларни кенг йўлга қўйиш билан шуғулланиб келаётган бу марказ томонидан амалга оширилаётган тадбирлар жойларда қизиқтириб келиб кетди.

Уюштирилган навбатдаги тадбир республикамиз пойтахтида поляк тилини ўқитиш

«Поляк синфи» — ўн ёшда

билан шуғулланиб келаётган «Поляк синфи» фаолиятига бағишланди. Гап шундаки, бундан ўн йил аввал Тошкентдаги 72-мактаб-лицейда «Поляк синфи» очилган эди. Унинг машгулотларини олиб бориш учун Польшанинг Познан университетининг билан тажрибали педагог Титусе Ратайчак тақлиф қилин-

ди. Шу ўтган ўн йил мобайнида бу синфда кўпгина ўқувчи таълим олиб, поляк тилини яхши ўзлаштирди. Шу сана муносабати билан ўтказилган тантанادا «Светлица Польша» республика маданият маркази алоқчи ўқувчиларни савгалар билан мамнун этди. (Ўз муҳбиримиз)

ТАДБИРКОРЛИК

Маҳсулот турлари кўпаймоқда

Пойтахтимидаги Собир Раҳимов туманида фаолият кўрсатаётган «Зебунисо она» хусусий корхонаси маҳсулотлари ўз харидорига эга бўлмоқда. Бунинг боиси жамоа ахди томонидан янги турдаги қандолат маҳсулотларининг ишлаб чиқарилаётганлиги.

Корхона иш бошлаган 1997 йилда фақат санокли турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда уларнинг хили 20 тадан ҳам ортиб кетди. Энг қувонарлиси эса улар сифати, таъми, чиройли қадқоқлини билан харидор талабига жавоб беради. Корхонада ишлаб чиқариш хажми ортгани сайин қўшимча ишчи ўринларини яратиш имконияти ҳам туғилмоқда. Бугунга келиб қандолатчилик сони 50 нафарини ташкил этади.

Жамоанинг хорижий давлатлар билан ҳам алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Унинг цехларига Германия ва Туркиядан келтирилган дастгоҳлар ўрнатилган бўлиб, ушбу замонавий линияларнинг маҳсулот сифатини таъминлашдаги ҳиссаси беқеъсдир.

Маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган ширинликлар қўшни Қозғонистон ва Туркманистон давлатларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Шу боис ҳам маҳсулот экспортини ҳам йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

Корхона тадбиркорларининг олдиларига қўйган режалар кўп. Улар жорий йилда корхонани кенгайтириш, 2 та шўъба корхонаси ташкил этиб, ёшларни иш билан таъминлашни, маҳсулотларнинг харидориг турларини кўпайтиришни мақсад қилиб қўйишган. Айни кунларда эса барча сай-ҳаракатлар шунга қаратилган.

Буюртмачи талаби асосида

Шаҳримизнинг Юнусобод туманида фаолият кўрсатаётган «А.Назирова» хусусий фирмасида идора мебеллари ва савдо шохобчалари учун усқуналар ишлаб чиқарилмоқда.

Бозор талаблари асосида иш юритаётган корхонанинг мебел усталари пойтахтимида ҳамда республика миёнада фаолият кўрсатаётган замонавий супермаркетлар ва дўконларни ўзларининг сифатли, қулай, ҳам соғуви, ҳам харидор дидига мос жиҳозлар билан таъминламоқда. Шунинг баробарида идора мебелларининг ҳам турлари кўпайтирилиб, сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Энг яхши савдо шохобчалари учун ҳамда идора мебеллари ишлаб чиқариш мақсадида ташкил этилган хусусий корхонамизнинг икки йиллик фаолияти давомида маҳсулотлар тури 40 хилдан ошиб кетди, — дейди раҳбар Анвар Назиров. — Чуқни бугунги харидор талабини қондириш ўз-ўзидан бўлмайдиган. Бунинг учун моҳир дизайнер-конструкторларимиз ҳамма буюртмачи талаби асосида изланадилар, янги-янги мебел турларини яратиш йўлида тинимсиз меҳнат қиладилар. Натияжада нафақат маҳсулотларимиз тури, балки ишлаб чиқариш хажми ҳам ортиб бормоқда. 2000 йилда 40 миллион сўмлик мебел маҳсулотлари ишлаб чиқарган бўлсак, ўтган йили бу рақам 200 миллион сўмга етди. Жорий йилда эса режаларимиз янада юқори. Энг муҳими эса мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилаётган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланишга интиляпмиз. Барча маҳсулотларимизнинг сертификати бор. Бу йил эса дўконлар учун янги турдаги витрина ҳамда шкаф-музлаткичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятимиз бор.

Хозирда корхонага янги замонавий хоризк линияларни келтириб ўрнатишга ҳаракат қилинмоқда. Бу, албатта, маҳсулот сифатининг янада ортишида, ишлаб чиқариш ҳажмининг юксалишида муҳим роль ўйнайди. Дилноза ФИЁСОВА

Ибратли ҲИКОЯТЛАР

Донишмандлар: «Устозлар ҳимматига кулоқ сол. Уларнинг панду насихати сенга йўлчи юлдуз бўлиб, хизмат қилади», деб уқтиришади. Куйидаги ана шундай ибратли ҳикоят ва ўғитлардан ўзингизга тегишли хулоса чиқариб оларсиз, деган умиддаммиз.

Бир кун Анушервон ўзи танҳо ўтирган эди. Кўп ўтмай унинг олдида Юнон, Мубад, Фарруҳзод, Бузуржмехр ва бошқалар кириб келишди. Анушервон уларга қараб деди:

— Бу катта анжуман бўлди. Келинглр, ҳар биримиз биттадан ҳикмати гап айтилди. Токи бошқалар ундан ибрат олсин!

Сўнг Мубадга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Мубад деди:

— Икки нарса борки, улар бир-бирдан яхшидир. Масалан, хунар доно билимдан, яхши иш яхши сўздан афзал.

Анушервон:

— Кенгроқ тушунтир! — деди.

Мубад давом этди:

— Хар кимнинг хунари бўлмаса, у куруқ девор билан тенг. Хар кимнинг сўзи чиройли бўлсаю, иши ёмон бўлса, фойдасиз шамол кабудир.

Анушервон Хуршидга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Хуршид:

— Жаҳонда икки нарса бор. Ундан ҳеч нарса яхши эмас. Биринчиси, хурсандлик ва иккинчиси беозорлик! — деди.

— Кенгроқ тушунтир! — деди.

Хуршид:

— Хар ким бориға қаноат қилиб, хурсанд яшаса, ҳеч кимга эҳтиёжи тушмайди. Кимки ҳеч кимсага озор бермаса, ҳеч кимни хафа қилмаса, унга ҳеч кимдан хавф етмайди! — деди.

Анушервон Бузуржмехрга қараб:

— Сен нима дейсан? — деб сўради.

Бузуржмехр:

— Эй Анушервон, одамлар куйидаги нарсаларга амал қилмасалар, ҳеч қачон хурсандчиликка етмайдилар. Масалан, бориға қаноат қилмаса, етиша олмайдиған нарсаси интилса, ўзга киши қўлида бўлган нарсаси очкўзлик билан қараса! — деб жавоб берди.

Анушервон ундан яна ҳам кенгроқ қилиб сўзлашни сўради. У деди:

— Хурсанд шундай кишики, нима топса, қаноат қилади, толганига шукр қилиб, умрини ғамсиз ўтказиши. Очкўз киши ҳеч қачон рўйдан юрмайди, ҳаммиси кўнгли бемор бўлади. Хар ким ўзини яхшилик йўлига солса, ҳамма ёмонликдан омон бўлади, жаҳонда тинч ва осуда яшайди.

Анушервон Юнонга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Юнон шундай деб жавоб берди:

— Етти нарса борки, хар ким бу етти нарсаси амал қилса, дунёда яхши ортиқ бўлади. Биринчиси, дунёда донолар маслаҳати билан иш қилса. Иккинчиси, ўз жойида бўлса, учинчиси — адолатли бўлса, туртинчиси, сабрли бўлса, бешинчи, биркесар бўлмаслик, олтинчиси, фойдадан ўзгаларни баҳрадор қилса, еттинчиси камтарлик қилса.

Анушервон ундан бу сўзларни кенгроқ тушунтиришни сўради. Юнон деди:

— Маслаҳат марваридга ўхшайди. Одамлар тош бўлса, улар орасидан бирорта нодир сўз — марварид чиқиши мумкин. Ишни ўз жойида, муносиб ҳолда қилмасанг, зиёни етди. Адолатли иш қилинса, бу ишга ҳеч ким қарши чиқмайди. Сабр ва чидам барча мушкул ишларни енгишнинг калитидир. Биркесарлик, қайсарлик энг ёмон хислат. Камтарлик барчангн хавасини ва хурматини кўзгатадиган ёқимли одатдир! Анушервон бу ҳикматларнинг ҳаммасини ёзиб қолдиришга фармон берди.

Бир донишманд насихат қилиб ёзган китобларининг борида, жумладан, шундай деган эди.

— Эй одам, сен ҳеч қачон улуғлик кетидан қувма! Улуғликни излаш, барчадан устун бўлишни хошлаш чин инсон хислати эмас. Кийиниш ва ясан-тусан билан ўзингни кўрсатишга уринма! Чунки бундай киши ясама обрў талаб қилишдир. Утаётган умрингдан беҳабар бўлма, уни ўқиш ва ўрганишга сарф қил! Бахтиёрлик ва саодатлик асосини қўлга киритишга урин! Билгинки, ҳаёт доимо зийрак бўлиб киши ўздан огоҳ бўлиши учун. Уни ейтиш ва ичиш, ухлаш учун деб ўйлама!

Қайс ибн Соиданинг ўз ўғлига қилган насихати. У ёзади:

— Эй ўлган, шундай масал бор: «Сен менга зулм қилсанг, сенга ҳам қилгувчилар бор». Шу мақолга амал қил, ҳеч кимга зулм қилма! Мола давлатдан ҳазина қилмай, илму хунарни ҳазина қил! Дўсту биродарларингни ўзингдан узоқлаштирма, хар бир ишни маслаҳат билан адо қил!

Бир кишига ҳада олиб боришса, у асло қабул қилмас эди. Ундан сабабини сўрадилар. У айтди: — Ҳада беришнинг икки сабаби бор. Бир иш шуки, биздан ҳада берувчига ҳеч қандай манфаат етмай қолган. Шунинг учун ҳада эвазига биздан бирор нарса талаб қилмоқчи. Иккинчиси шуки, биздан бирор манфаат кўрган. Ҳада орқали яна ҳам каттароқ фойда топтоқчи! Хар икки ҳолда ҳада олиш нодурустдир!

Ахмад бин Халид айтди:

— Сен ўзингни саховат ва қарам эгаси деб билмагунингча шижоатли деб тушунма. Агар шижоатли бўлсанг ўзингни саховат ва қарам эгаси бўлишга мажбур қилар эдинг. Узингки кучинг етмаса, ўзгага қандай таъсир қила оласан?

Айтдилар:

— Кимки ўз дўстларига нисбатан макро хийла билан иш тутса, дўстлари унга нисбатан ёлгонни «туҳфа» қиладилар.

Бир улуғ киши айтди:

— Энг яхши таъна шундай таънаки, зарар учун эмас, тарбия учун айтилган бўлади. Энг зарарли таъна шундай таънаки, у таълим учун эмас, мулзам қилиш учун бўлади.

хон халқларининг дурдона асарлари, кўча маданияти билан юртдошларимизни яқиндан таништириш масалалари ҳам фаолиятимиздан кенг ўрин олган. Халқимиз қўлидаги қадимий қўлёзма китобларини тўлаб, нобларини сотиб олиб жамгармасини ҳазинасини бойитиб бормоқдамиз. Такдир тақозоси билан юртимиздан чиқиб кетган машҳур ватандош алломаларимиз асарларини йиғиб, улар ҳақида баҳоли қудрат ҳужжатли, бадий фильмлар яратилди. Республикаимиз маҳалларида, ўқув даргоҳларида аллома бобокалонларимиз ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-оммавий конференциялар, бадий кечалар, давра суҳбатлари ўтказмоқдамиз.

МАЪНАВИЯТ

БЕБАҲО МЕРОС ВОРИСПАРИМИЗ

англаб етиш мушкул. Айниқса қелажиқимизнинг пойдевори бўлган ёш авлодин дунёвий қадриятлардан, халқимизнинг мумтоз, маънавий меросидан баҳраманд этиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

Жамгармасини 1996 йили Президентимизнинг махсус қарорларига биноан ташкил этилган бўлиб, 4 та йўналишда иш олиб боради. Маънавий меросимиз бўлган урф-одатларимиз, маросимларимиз, расм-русумларимиз, қадимий лапарлар, қўшиқлар, афсоналар, битикларимиз, кўҳна либослар ва тақинчоқларимиз, кўйинг-чи, тарихий-маданий меросимизга оид ота-боболаримиздан бизгача етиб келган қадриятларимиз бебаҳо одир. Ўтмиш тарихимизга оид қўлёзма асарларини ўрганиш, уларни дунёга ёйиш, жа-

Ўзбек халқининг рақс санъати жуда кўнадир. Меросий рақс санъатимизни асраб-авайлаш ва дунёга ёйиш мақсадида Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмухамедова бошчилигида «Муножот» миллий мумтоз рақс ансамблини ташкил этдик. Дастамиз бир неча маротаба Ҳиндистон маданият марказида, Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида концертлар берди. Ўтган йили Туркия давлатининг Эрекли шаҳрида бўлиб ўтган халқаро рақс фестивалида катнашиб, фахрли биринчи ўринни олишга мушарраф бўлди. Бу йил 9-17 март кунлари Америка Қўшма Штатларида ижодий сафарда бўлиб қайтишди. Айниқса, машҳур «Кеннеди» залида берилган концертда Американинг нуфузли доиралари вакиллари

иштирок этишиб матбуот саҳифаларида дастамиз ҳақида яхши фикрлар билдиришди. Жамгармасининг Ўзбекистон бўйлаб 130 та бўлими бор. Туркия давлатининг Анқара шаҳрида ваколатхонамиз ишлаб турибди. Шу йил 23 мартда бу ерда «Олтин мерос» санъат музейини очдик. Америкада, Жазаирда ва қўшни Қирғизистон давлатида ҳам шундай ваколатхоналар очилмақда иш олиб бораёмиз.

Келажақда Ҳиндистон, Покистон давлатлари билан ҳамкорлик қилишни ҳам режалаштирганмиз. Чунки маданий меросимизнинг катта қисми Ҳиндистон билан боғлиқ.

«Мерос фильми» студиямиз орқали бир қатор кинотасмалар яратилди, айниқса Ҳаким ат-Термизий ҳақида яратилган кўп серияли фильмимиз халқимизга манзур бўлади, деган умиддамиз. Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига атаб музей ҳам ташкил этилди.

Тарихимизнинг бекиёс нодир ёдгорлиги «Авесто» китоби яратилганлигининг 2700 йиллигига бағишлаб Урганч шаҳрида 20 гектарлик «Авесто» мемориал бог музейи яратилди. Келажақда бу маскан Авестошунослар маркази бўлиб қолади деган ниятдамиз.

Буюк бобомиз Ибн Сафид Туман-Зардушт ҳазратлари айтганларидек эзгу-ният, эзгу сўз ва эзгу амалларни бажарган кишиларгина халқимиз қалбидан, келажақ авлодлар дилидан рақс олади. Шу мақсадни кўзлаган бутун жамоамиз ходимлари миллий ва умум-башарий қадриятларга асосланган бой миллий меросимизни сақлаш ва ривожлантириш, хар бир вилоятнинг ўзига хос бўлган миллий урф-одатларини, маданиятини янада бойитиш, кенг тарғиб қилиш ва уларни ёшлар онига синдиришни асосий вазифалари деб биладилар.

Улуғбек БЎТАЕВ,

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамгармасининг ижрочи директори.

Ўрта Осиё халқлари аздалан башарият тафаккури ҳазинасига, илм-фан ва маданият тараққиётига салмоқли хисса қўшиб келганлар. Аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилган фан ва маданиятнинг барча соҳаларига таоллуқли нодир асарлар, ноёб ёдгорликлар ҳозирги кунда ҳам жаҳон халқлари маданий дунёсини бойитиб, уларнинг маънавий камолотига хизмат қилиб келаётганидан фохрланамиз.

Ота-боболаримиз бизга қолдирган бой ва ранг-баранг маънавий меросини, миллий қадриятларимизни асраб-авайлашимиз, уларни замонавий илм-фан ютуқлари билан ижодий бойитишимиз лозим. Улар келажақ авлод тафаккури, дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантиришда, бунёдкорлик фаолиятини оширишда, Мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлашда асосий омилдир.

Кўҳна тарих қаъридан бизнинг давримизга етиб келган бой меросимизда донишмандларимизнинг инсоний ақл-идроки, билими, ахлоқий фазилатлар ёркин намоёндыр. Улар қолдирган бой ўғитлар, илм-фандан баҳраманд бўлиш кишиларини, айниқса фарзандларимизни хар жиҳатдан камолот сари бошлайди.

Аждодларимиз, олим-фозиларимиз дунё фани тараққиётига катта хисса қўшганлар. Уларнинг илмий меросини ўрганиш фан соҳаларидаги, айниқса табиат фанлари бўйича қолдирган нодир бойликлар мустақиллик туфайлигина юзага чиқиб, атрофича ўрганилмоқда. Аждодларимизнинг фан соҳасидаги ютуқларини билиш аввало ёшларда ўз халқига муҳаббат, ҳурмат туғусини оширади, улар билан гурурланишдек миллий ифтихор хиссини тарбиялайди. Республикаимизнинг мустақилликка эришгандан сўнг босиб ўтган ўн йили мобайнида амалга оширган сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаги ўзгаришлари бекиёсдир. Мустақиллик шарофати туфайли барча соҳада миллий эҳтиёж ва манфаатлардан келиб чиққан ҳолда авлод-аждодларимизнинг азалий турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари, қадриятлари, тарихий тажри-

ШАҲРИМИЗ ТАРИХИНИ ЎРГАНАМИЗ

Чигатой Оқтепаси

Ўзбекистон тупроғи улуг боболардан мерос, Улуг боболар ўтган олис дунёлардан мерос. Шонинг дарвозалари-ю, Оқтепалари мерос. Эй буюк авлодим, кўйинг тарихингга илхос.

Тарихсиз — келажақ йўқ, деган ҳикमत бор. Ватан тарихи ўз туғилиб ўсган гўшасини ўрганишдан бошланади. Кўҳна Тошкент тарихи эраимиздан олдинги I-II асрлардаги тарихий маълумотларда тилга олинади. Қўлай жугрофий ўрни ва мамлакатлараро савдо йўллари устида жойлашгани сабабли ҳам қадимги Тошкент тез-тез қўздан-қўлга ўтиб турган, хар бир ҳукмдор уни ўз тасарруфига олишга ва қўли остида сақлаб қолишга уринган. Шу сабабли ҳам Тошкент ҳукмдорлари яқин ва узоқ ўтмишда шаҳар муҳофафасига катта эътибор қаратишга ҳаракат қилган. Туркистондаги бошқа йирик шаҳарлар каби Тошкент ҳам қалъа деворлари билан ўралган. XVIII асрда Тошкент Камолон, Бешёғоч, Қўймак, Қўқон, Қашкар, Лабзак, Тахтапўл, Корасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча ва Самарқанд дарвозалари каби 12 дарвозадан иборат эди. Хар бир дарвозанинг яқинида қабристон ва маълум масофасида Оқтепаси бўлган. Масалан, Чигатой дарвоза билан Чигатой Оқтепаси оралиғидаги масофа 3,5 километри ташкил этади.

Чигатой Оқтепаси Калковуз канали худудида жойлашган. Ўтмиш археологик ёдгорликлари, Тошкентдаги Оқтепалар ичида яхшигина сақланиб қолгани ҳам шу. Тарихий маълумотларга қараганда ушбу Оқтепа V-VIII асрларда қурилган суний истехкомдир.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг назари тушган Оқтепа — хушёртепа вазифасини ўтаган, узоқ эллардан келаётган сайёҳ ва қаровонлар шаҳарга киришдан олдин шу Оқтепа гузарига тўхтаганлар, чопарга юришди шаҳарга киришга ижозат сўраганлар.

Ушбу худуд атрофлари қадимдан бог-роғлар ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилмайдиган серрунм жойлар бўлган. Чигатой дарвозалиқлар эрта баҳордан то кеч кузгача деҳқончилик ишлари билан шуғулланганлар. Ташқаридан ёв ҳужум қилганида эса мардонавор қаршилик кўрсатганлар. Ёдгорлик қисман емирилган. Фақатгина истехком қалъанинг 30 метр кенлигидаги ва 6-8 метр баландлигидаги тепалик жойи сақланган, унинг атрофи эса аҳоли томонидан улаштирилиб ўй-жойлар қурилган.

Чигатой Оқтепаси Мустақиллик йилларида, айниқса 1999 йилдан қайта тазмираниб, аҳолининг ўзига хос дам олади деган маданий марказига айланмоқда. Чигатой Оқтепаси маҳалла гузарининг энг диққатга лойиқ оромгоҳига айланмоқда.

Билал АМИНОВ,
элунос олим.

ЎДНОМА



Бевақт сўнган юлдуз

«Ўзбекфильм» киностудияси томонидан тасвирга олинган Унлаб фильмларда суратга тушган, қанчадан-қанча роллари театр сахнасида маҳорат билан ижро этган, юзлаб фильмлардаги қаҳрамонларга дубляж орқали овоз берган актёр — марҳум Наримон Латиповни танимайдиган кино мухлиси топилмас керак.

Мен тоғамни барҳаёт дамларида кўрмаган бўлсам ҳам, улар ҳақларида бувижимон, онам, ҳолларим орқали кўп маълумотларга эга бўлганман. Улар атиги 30 баҳорини қаршилаган бўлсалар-да, ўзларининг ҳақиқий инсоний фазилатлари, ижодий фаолиятлари билан театр ва кино оламида ўчмас из қолдирдилар.

«Сен етим эмассан» фильмининг сўнги кадрларини эсланг. Актёр Н.Латипов — Ботир роллида. Мен худди шу эпизодда фронтдан оёғидан ажраб қайтган аскар ролини ижро этган бу актёрнинг маҳорати қойил қоламан. Раҳматли бувижимон Зулқамол ая менга тоғам тўғриларида кўзларига ёш олиб сўзлардилар. Тоғам оилада ёлғиз ўғил эдилар, саҳий, соф кўнглили йиғит, изланувчан актёр бўлганлариданми хар қалай, бувижимон улар ҳақларида фахр ва гурур билан хизо қилардилар. Саккиз йил орасида ёлғиз ўғил бўлган, у ҳам бевақт ҳаётдан кетгани ҳақида сўзлаш осон эмасди уларга. Улар бир гал «Тоғам фронтдан бир оёғидан айрилиб қайтадиган аскар ролини ижро этиш учун хар кунни уйда вақтида бир оёғини букиб, ёғоч оёк кийиб маш қиларди. Сценарийдаги сўзларни жон-жаҳди билан, юракдан чиқариб сўзларди», — деб хикоя қилгандилар. Бувим билан бирга «Сен етим эмассан» фильмининг томоша қилганимизда бувижимоннинг кўзларидан дув-дув ёш оқарди. Айниқса Ботир ноғирон

ҳолда жонажон ҳовлисига кириб келиб, «онажон» деб волидаи меҳрибони билан қўришганида «болам» деб юборардилар. Бувижимон ана шу ачинишларини қўриб менинг ҳам кўзимга ёш келарди. Шу пайтда бувим «Неварларимдан кимдир ўғлим ижодини давом эттирса қанийди», — дердилар. Шунда мен «Бувижон, худо хоҳласа кинода роль ижро этмасам ҳам, тоғамнинг ижодлари ҳақида ёзаман, улар билан фахрланаман», — деган эдим.

Тоғам «Сен етим эмассан» фильмида ижобий образни яратган бўлсалар, «Осиё устидида бурон» («Ер фарзанди») фильмида салбий образни ҳам маромига етказиб ижро этганликлари ҳақида холам — Валдида опа билан бўлган суҳбатимизда билиб олдим.

«Биз Ҳамза (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри) номидаги театр билан Самарқандга гастролга бордик. Мен Тўти Юсупова ўзлари билан бирга олиб кетган эдилар. 15-20 кундан кейин акам (Наримон Латипов) етиб келдилар. Шунда улар хурсанд бўлиб: «Самарқандда «Осиё устиди бурон» фильмининг бир қисмини суратга олдик. Мен бу фильмда Қоплонбекнинг ягона ўғли Азизбойваччини ижро этдим», — дедилар. Уйга қайтганимиздан сўнг ҳаммага фильм ҳақида хурсанд бўлиб гапириб бердилар. Фильмининг яна бир қисми, яъни отишма жойлари ўрда атрофидаги Тупроққорон деган жойда олинган. Бўғдой ёқиш эпизоди эса

Заркент қишлоғида суратга туширилган. Фильмдаги ўспирин Азизбойваччининг нафратга тўла мурғак қалби отасининг ўчини олишга қаратилган эди. Унинг қалбида бу туйғунни халқларвар Юсуф Ялангтўш уйотган эди. Бу ролни ижро этган таникли санъаткор — Шукур Бурухонов эди», — деб холам суҳбатларини давом эттирдилар.

«Ана шу фильмин томоша қилишга кинозалга борганмиз, дейдилар онажоним — Гулнора опа суҳбатимиз давомида, — ҳаммамиз бирга

лар воқеасини ён дафтарчаларига қайд этиб борганликларини кўраман. «13.07.1963 й. Эрталаб соат 10.00 да Андижондан кетдик. 12.00 да Марғилонга келдик. Кеча Маъмуржон Узоқов оламдан ўтдилар. Фотиҳа маросимига бордик. Кечкурун «Улуғбек» спектакли кўйилди.

25.07.1963 й. Эрталаб театримиз Шоҳимардонга келди. Мен, Тўйчи ака (Орипов), Пўлат ака (Саидқосимов) билан Қўқонга кетдик. Кундузги соат 11.00 да автобуга чиқдик ва 13.00 да у ерга — сурат олинмайдиган жойга етиб келдик. Бугун оқшом бўшимиз. Аскияга бордик. Концертдан сўнг Тўйчи ака ҳаммамизни ошга таклиф қилдилар. Дўстлар билан жуда яхши дам олдик. Тунги соат 3.30 да меҳмонхонага келдик. 20-норда тунадик.

30.07.1963 й. Бугун Қўқон театри артистлари ва Ўзбек Миллий академик драма театрд актёрлари учрашуви бўлди. Учрашув «Ойдин буюк»-да бўлиб ўтди. Кечкурун «Шубҳа» романидан «Инсон» спектакли намойиш этилди. Спектаклдан сўнг поездга ўтирдик. Поезд Тошкентга 2.40 да келди».

Кундаликини ўқиб, ўрганиб нафақат тоғам ҳақларида, балки ўша давр санъаткорлари тўғрисида ҳам анчагина маълумотларга эга бўлдим.

Ҳаётининг сўнги дақиқаларида ҳам савоб иш қилиб, 1965 йил 25 сентябрь кунини Сирдарёда «Виждон амри билан» фильмининг суратга туширишга тайёргарлик кўриляётган дамба сувда чўкаётган икки кизни кутқараман деб, жонини фидо қилган жасоратли инсон Наримон Латипов билан хар қанча фахрлансақ арзийди. Унинг номи санъатсевар халқимиз қалбидан мангу яшайди.

Мухаррам ЗОКИРОВА
СУРАТЛАРДА: Наримон Латипов суратга тушган фильмдан лавҳалар.



«Кўмак» жамгармаси ҳомийлигида

Мамлакатимизда келажагимиз ворислари бўлиши ёшларнинг маънав етук ва баркамол бўлиб воғя етишлари учун таълим соҳасида ислохотларни бекам уқст амалга ошириш жараёни пухта олиб бориляётганлиги кувонарли холдир. Айниқса, бу борада ривожланган мамлакатлар билан қилинаётган ҳамкорлик яхши самара бермоқда.

Яқинда Тошкент Давлат юридик институтида интернел синфи фаолият бошлады. «Soros» очик жамияти институтининг «Кўмак» жамгармаси ҳомийлигида ташкил этилган интернет син-

фида таҳсил оладиган талабалар эндиликда жаҳондаги энг илгор ҳуқуқий билимлар сарчашмасидан ҳам баҳраманд бўладилар. Бу кулайлик уларнинг келгусида ҳуқуқ соҳасида етук мутахассис бўлишларида катта ёрдам бериши шубҳасиз. (Ўз мухбиримиз)